# ГЛЕМПИНГ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ



**Тошкент – 2024 йил**



**Бизнес ва маҳсулот тавсифи**

Глемпинг сайёҳлик жойи ва экотуризмнинг янги тармоғи сифатида қисқа муддатда шаҳар аҳолиси орасида оммабоп бизнес соҳасига айланиб бормоқда.

Глемпинг бизнесини ташкил этиш учун энг мухим жихат бу жойлашувдир. Шу сабабли, глемпинг чодирларини асосан тоғли худудларга, денгиз бўйи, дарё қирғоқлари, магистрал йўл бўйига ва бошқа дам олиш масканларига яқин жойларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ушбу турдаги бизнеснинг афзалликлари:

• янги йўналиш;

• паст рақобат ва баъзи ҳудудларда унинг тўлиқ йўқлиги;

• ноқулай иқтисодий тенденцияларга нисбатан лойиҳанинг нисбатан барқарорлиги, шунингдек концепцияни тез ўзгартириш имконияти;

• хорижий сайёҳларни жалб қилиш орқали бизнесни кенгайтириш истиқболлари.

Жойларнинг максимал сони 60 та, шунингдек, пикник жойларни ижарага бериш орқали ҳам қўшимча даромад олиш мумкин.

*минг сўм*

| | |
|---|---|
| Лойиҳа муддати | 84 ой |
| Лойиҳа қиймати | 373 200 |
| Шундан ўз маблағи | 22 300 |
| Кредит маблағи | 350 900 |

**Инвестиция миқдори**

Глемпинг лойиҳасини амалга ошириш учун **373 200,0** минг сўм миқдорида инвестиция киритилиши режалаштирилмоқда.

*минг сўм*

| **Дастлабки инвестиция** | **Молиялаштириш манбаи** | | **Сумма** |
|---|---|---|---|
| | **Ўз маблағи хисобидан** | **Кредит хисобидан** | |
| Рўйхатдан ўтиш, шу жумладан рухсатномалар олиш | 1 600,0 | | 1 600,0 |
| Реклама | 2 800,0 | | 2 800,0 |
| Асбоб-ускуна сотиб олиш, шу жумладан ускуналарни ўрнатиш | 2 400,0 | 338 900,0 | 341 300,0 |
| Хом-ашё сотиб олиш | 9 000,0 | 12 000,0 | 21 000,0 |
| Молиявий харажатлар | 4 500,0 | | 4 500,0 |
| Бошқа харажатлар | 2 000,0 | | 2 000,0 |
| **Жами** | **22 300,0** | **350 900,0** | **373 200,0** |

Корхонани давлат реестридан ўтказиш, шу жумладан, рухсатномалар олиш, ташқи реклама баннерларини ўрнатиш асбоб-ускуна ва жихозларни ўрнатиш, хом-ашё сотиб олиш, кредит олиш билан боғлиқ молиявий ва бошқа харажатлар ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўз навбатида, асбоб-ускуналар ва хом-ашё сотиб олиш кредит ҳисобидан молиялаштирилади.



Асбоб ускуна ва жиҳозлар икки гуруҳга бўлинади: ошхона жихозлари ва кемпинг жихозлари. Сотиб олинадиган ҳар бир асбоб-ускуна ва жиҳозлар тўплами инвентарлари таркиби ва нархлари қуйидагилардан иборат:

*минг сўм*

| **Ошхона ускуналари ва жихозлари номи** | **Сони** | **1 дона нархи** | **Сумма** |
|---|---|---|---|
| Ошхона мебели | 1 | 8 500 | 8 500 |
| Ошхона инвентарлари тўплами | 1 | 4 200 | 4 200 |
| Идиш-товоқлар | 1 | 3 500 | 3 500 |
| Кўп функцияли қовуриш ускунаси | 1 | 4 300 | 4 300 |
| Газ плита | 2 | 3 200 | 6 400 |
| Миркотўлқинли печ | 1 | 1 200 | 1 200 |
| Кабоб печи | 2 | 1 050 | 2 100 |
| 40 литр бойлер | 1 | 1 900 | 1 900 |
| Ресторан учун чодир гумбаз | 1 | 13 500 | 13 500 |
| **Жами** | | | **45 600** |

*минг сўм*

| Глемпинг ускуналари | Сони | 1 дона нархи | Жами |
|---|---|---|---|
| Диаметри 6 м, баландлиги 3,8 м, майдони 30 м.кв. бўлган, барча мавсумга мос кемпинг чодир | 3 | 28 000 | 84 000 |
| Ёғоч стол ва стуллар тўплами | 3 | 4 200 | 12 600 |
| Санузел ва душ инвентарлари | 2 | 22 000 | 44 000 |
| 50 м.кв. майдонга эга мавсумий кемпинг чодир | 4 | 22 500 | 90 000 |
| Кемпинг учун мебел | 6 | 4 500 | 27 000 |
| Дам олиш жойи учун мебел | 3 | 3 500 | 10 500 |
| Кондиционер | 6 | 4 200 | 25 200 |
| **Жами** | | | **293 300** |

**Хизмат сотиш бозорининг тавсифи**

Савдо тушуминиг деярли 60% глемпинг чодирларини ижарага бериш, 35% ошхона хизматларидан фойдаланиш ва 5% дан бошқа турдаги хизматлари орқали шаклланиши режалаштирилган.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, глемпинг хизматига асосан баҳор ва ёз мавсумида ҳамда хафта охирида талаб ошишини инобатга олиб, кўрсатиладган хизмат нархлари мос равишда ўзгариб боради.

**Йилнинг апрель-сентябрь ойларида хизмат кўрсатиш нархи**

*минг сўм*

| Хизмат тури | Хафта кунларида 1 киши учун кунлик хизмат нархи | Дам олиш кунларида 1 киши учун кунлик хизмат нархи |
|---|---|---|
| 3 маҳал овқат билан глемпинг чодирини ижарага бериш | 180 | 250 |

| | | |
|---|---|---|
| Глемпинг чодирини ижарага бериш | 80 | 120 |

**Йилнинг октябр-март ойларида хизмат кўрсатиш нархи**

*минг сўм*

| **Хизмат тури** | **Хафта кунларида 1 киши учун кунлик хизмат нархи** | **Дам олиш кунларида 1 киши учун кунлик хизмат нархи** |
|---|---|---|
| 3 маҳал овқат билан глемпинг чодирини ижарага бериш | 140 | 200 |
| Глемпинг чодирини ижарага бериш | 50 | 80 |

**Йилнинг апрел-сентябр ойларида мижозлар сони**

| **Хизмат тури** | **Хафта кунларида** | **Дам олиш кунларида** |
|---|---|---|
| 3 маҳал овқатли глемпинг чодиридан фойдаланувчи кунлик мижозлар сони | 15 | 30 |
| глемпинг чодиридан фойдаланувчи кунлик мижозлар сони | 15 | 30 |

**Йилнинг октябр-март ойларида мижозлар сони**

| **Хизмат тури** | **Хафта кунларида** | **Дам олиш кунларида** |
|---|---|---|
| 3 маҳал овқатли глемпинг чодиридан фойдаланувчи кунлик мижозлар сони | 10 | 20 |
| глемпинг чодиридан фойдаланувчи кунлик мижозлар сони | 10 | 20 |

**Таркибий тузилма**

Ҳодимлар сони 16 кишидан иборат бўлиб, мижозларнинг сони ва мавсумга қараб қўшимча ёлланма ишчилар жалб қилинади.

*минг сўм*

| Лавозим | Иш ҳақи | Сони | Сумма |
|---|---|---|---|
| Директор менежер | 5 500 | 1 | 5 500 |
| Қоровул | 2 400 | 3 | 7 200 |
| Ошпаз | 2 600 | 4 | 10 400 |
| Официант | 2 400 | 6 | 14 400 |
| Кабобчи | 2 600 | 2 | 5 200 |
| **Жами** | | **16** | **42 700** |

**Хавф омиллари**

Глемпинг – бу бозорда янги йўналиш, шунинг учун янги бошловчи тадбиркор кўплаб хавф-хатарларга дуч келади ва уларнинг энг хавфлиси жойни нотўғри танлашдир.

Бундан ташқари қуйидаги хавф омиллари мавжуд:

- мавсумийлик;
- хавфсизлик масалалари;
- экстремал об-ҳаво шароитлари.

## Фойда ва зарар ҳисоби

*минг сўм*

| | I ой | I йил | II йил | III йил | IV йил | V йил |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Махсулот сотишдан тушган тушум** | 126 100 | 1 513 200 | 1 604 000 | 1 701 200 | 1 803 400 | 1 911 600 |
| **Хизмат кўрсатиш таннархи** | 49 200 | 590 400 | 618 100 | 646 700 | 676 800 | 708 300 |
| **Шу жумладан, амортизация** | 3 800 | 45 600 | 45 600 | 45 600 | 45 600 | 45 600 |
| **Ялпи фойда** | 76 900 | 922 800 | 985 900 | 1 054 500 | 1 126 600 | 1 203 300 |
| **Давр харажатлари:** | 51 100 | 613 200 | 655 000 | 699 600 | 746 700 | 777 000 |
| **Иш ҳақи** | 42 700 | 512 400 | 548 200 | 586 500 | 627 000 | 650 300 |
| **Коммунал тўловлар** | 5 000 | 60 000 | 63 600 | 67 400 | 71 400 | 75 600 |
| **Бошқа харажатлар** | 3 400 | 40 800 | 43 200 | 45 700 | 48 300 | 51 100 |
| **Оператив фойда** | 25 800 | 309 600 | 330 900 | 354 900 | 379 900 | 426 300 |
| **Солиқлар** | 8 800 | 105 600 | 110 880 | 116 400 | 122 200 | 128 300 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Кредит фоизи** | 4 100 | 49 200 | 49 200 | 49 200 | 43 500 | 31 200 |
| **Соф фойда** | 12 900 | 154 800 | 170 820 | 189 300 | 214 200 | 266 800 |

## Пул оқимлари хисоби

*минг сўм*

| | I ой | I йил | II йил | III йил | IV йил | V йил |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Махсулот сотишдан тушган тушум** | 126 100 | 1 513 200 | 1 604 000 | 1 701 200 | 1 803 400 | 1 911 600 |
| **Хизмат кўрсатиш таннархи** | 45 400 | 544 800 | 572 500 | 601 100 | 631 200 | 662 700 |
| **Фойда** | 80 700 | 968 400 | 1 031 500 | 1 100 100 | 1 172 200 | 1 248 900 |
| **Давр харажатлари:** | 51 100 | 613 200 | 655 000 | 699 600 | 746 700 | 777 000 |
| **Солиқ тўлови** | 8 800 | 105 600 | 110 880 | 116 400 | 122 200 | 128 300 |
| **Кредит фоизи** | 4 100 | 49 200 | 49 200 | 49 200 | 43 500 | 31 200 |
| **Соф фойда** | 16 700 | 200 400 | 216 420 | 234 900 | 259 800 | 312 400 |
| **Кредит асосий қарзи** | 0 | 0 | 0 | 0 | 87 725 | 87 725 |
| **Соф пул оқими** | 16 700 | 200 400 | 216 420 | 234 900 | 172 075 | 224 675 |

